

Намоз ва қибла мусулмонларни ибодатда бошқалардан ажратиб туради | Ҳадис дарслари (292-дарс)



19:00 / 24.07.2024 1025

Намозни қиблага, Каъбаи муаззамага юзланиб ўқиш фарздор. Бўлмаса, намоз намоз бўлмайди.

نَعْلَمْ لَمْ يَرَسْنَاهُ عَلَيْهِ الْمَلَسُونُ
لَمْ يَرَسْنَاهُ عَلَيْهِ الْمَلَسُونُ
لَمْ يَرَسْنَاهُ عَلَيْهِ الْمَلَسُونُ
لَمْ يَرَسْنَاهُ عَلَيْهِ الْمَلَسُونُ

مُذْهَل يَذْلِكَلَذَف
أَلَفِ وَسَرْمَدَوْهَلَل
أَوْرَهَتْمَذ يَفَهَلَلَا اُرْفَخْت
يَئِاسَنَلَاوْيَرَخْبَلَا.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким намозимизни ўқиса, қибламизга юзланса ва сўйган (гўштимиз) ни еса, бас, ўша Аллоҳнинг зиммасидаги ва Унинг Расулининг зиммасидаги мусулмондир. Бас, Аллоҳнинг аҳдига хиёнат қилманглар», дедилар».

Шарҳ: «Қибла» луғатда «қаршида, рўпарада турган нарса» дегани. Намозда Каъбаи муаззама намозхоннинг юзланадиган томони бўлганлиги учун «қибла» дейилади.

«Зимма» эса «аҳд», «омон» деганидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Ким намозимизни ўқиса» деб айтганлари «ким биз ўқиган намозни ўқиса», деганларидир. Мусулмонларнинг намозини ўқиб, улар каби тавҳидга ва пайғамбарларга иймон келтирган киши Аллоҳдан келган барча нарсаларга иймон келтирган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам намоз Ислом динининг бош белгиси дейилади. Калимаи шаҳодат эса намоз ичида борлиги учун зикр қилинмаган.

«Қибламизга юзланса».

Қиблага юзланиш намознинг ичида бор бўлиб, унинг фарзларидан эканлигига қарамай, алоҳида зикр қилинишининг ўз ҳикмати бор.

Бошқа динларда ҳам ўзига хос намоз мавжуд. Аммо Каъбани қибла қилиб олиш фақат Ислом аҳлига хос. Шунинг учун қибла алоҳида зикр қилинмоқда. Чунки қибла бўлмаса, намоз ҳам бўлмайди.

Мана шу икки нарса — намоз ва қибла мусулмонларни ибодатда бошқалардан ажратиб туради.

Ҳадиснинг давомида мусулмонларни бошқалардан ажратиб турадиган одатлардан яна бири зикр қилиниб:

«ва сўйган (гўштимиз)ни еса» дейилмоқда.

Мусулмонларни бошқалардан ажратиб турадиган нарсалардан бири Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган гўштни ейишдир.

Демак, кишининг мусулмонлигига зоҳирдан далил бўладиган нарсалардан бири – унинг Аллоҳнинг исми айтилиб сўйилган гўштни истеъмол қилиши экан.

Ким намоз ўқиса, қиблага юзланса ва Аллоҳнинг номи айтилиб сўйилган гўштни еса:

«Бас, ўша Аллоҳнинг зиммасидаги ва Унинг Расулиниңг зиммасидаги мусулмондир».

Яъни, Аллоҳнинг ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг омонидаги мусулмон бўлиб, унга ҳеч ким тега олмайди. У мусулмонлар фойдаланадиган барча имтиёзлардан фойдаланади.

«Бас, Аллоҳнинг аҳдига хиёнат қилманглар», дедилар».

Яъни, мазкур одамга ғайримусулмонга қилинадиган муомалани қилманглар.

Демак, мусулмон бўлиб, мусулмонча тақдир ва муомалага эришиш учун намоз ўқиш, қиблага юзланиш ва Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган ҳайвон гўштидан ейиш керак экан.

يَبْنَ لَعْمَانِيْلَوْقَى يَضْرُبُ لَرْبَلْ عَنْهُ

وَحَنْ مَلَسَ وَهُيَلَعُ هَلَالِي
رَشَعَ ئَتِسَ سَدْقَمْلَاتِيَبَ
أَرَهَشَ رَشَعَ ئَغْبَسْ وَأَرَهَشَ
هَبْعَكْلَاهَنْ فَرُصْ مُثَ

Баро розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан үн олти ой ёки үн етти ой Байтул Мақдис томонга (қараб) намоз үқидик. Сұнгра Каъба томонга юзлантирилдик».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарх: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб келгандаридан сўнг Байтул Мақдис томонга қараб намоз ўқиши бошлаганлар. Қибла ўша томонда эди. Шунинг учун ҳам Қуддуси шариф ҳозиргача икки «қибланинг биринчиси» деб аталади.

Байтул Мақдисга қараб намоз ўқилганининг муддати тўғрисидаги шак ҳадиснинг ровийси Баро розияллоҳу анҳудан эканлигини уламолармиз таъкидлаб ўтганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага Робиъул аввал ойида келган эдилар. Қибланинг Каъба томон бурилиши эса иккинчи ҳижрий йилнинг Ражаб ойи ярмида содир бўлди. Шу муддат ичидаги Байтул Мақдис қибла бўлиб туриб, сўнг Каъба қибла бўлиб қолди.

Демак, намоз Каъбага қараб ўқилмаса, намоз ҳисобига ўтмайди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.